

ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАР УЙЎУНЛИГИНИ АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Фаррух Абдурахманович Юлдашев
Фарғона давлат университетит ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамиятимиз ёшларининг билими, маърифатини ошириш, уларнинг онги ва тафаккурини ўстиришда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар, шу билан бирга ёшлар фаолиятида эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини таъминлашда уларни қадриятли ёндашув асосида ривожлантириш масалалари илмий асосда ёритилган.

Калит сўзлар: шахс, жамият, ёшлар фаолияти, эҳтиёж, манфаат, мақсад, онг, тафаккур, билим, ватанпарварлик, инсонийлик, қадрият, маънавий янгиланиш, интеллект.

TO THE ISSUE OF DEVELOPING A COMBINATION OF NEEDS AND INTERESTS IN YOUTH ACTIVITY BASED ON AXIOLOGICAL APPROACH

Farrukh Abdurahmanovich Yuldashev
Teacher, Fergana State University

ABSTRACT

This article scientifically examines important aspects of raising the level of knowledge, education, awareness and thinking of young people in our society, as well as their development, based on a valuable approach to ensuring the harmony of needs and interests in youth activities.

Keywords: personality, society, youth activities, needs, interests, goals, consciousness, thinking, knowledge, patriotism, humanity, values, spiritual renewal, intellect.

КИРИШ

Инсоният бошига турли хил кулфат, мушибатлар келишининг асосий сабаби, инсоннинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволигидир. Жамият тараққиёти билан инсон манфаатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, эҳтиёж ва

манфаатларни амалга оширишнинг маънавий, маърифий ва ахлоқий омилларини тадқиқ этиш, шахс ва жамият муносабатларида манфаатларнинг ўзига хос хусусиятларини, мақсад ва қарашларни ўрганиш, таҳлил этиш, ёшлар тарбиясида миллий руҳни уйғотиш, умуминсоний қадриятларни фуқароларда шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг муҳим шартидир.

Мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга теран қарайдиган, ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодни тарбиялашда буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросни пухта ўрганиш, шу асосда инсон эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигининг аксиологик ёндашувини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ёшлар ҳаётида миллий ва умумбашарий қадриятларни ролини ошириш, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, ватан ва халқга садоқатли инсонлар этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан биридир. Мамлакатимизда ёш авлодга тўғри тарбия бериш, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва унинг маънавий баркамол бўлиб вояга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш таълим-тарбиянинг бош вазифаси ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ўзликимизга хос бўлган тарихимиз, тилимиз, динимиз, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, кадрлаш, улардан ёшлар келажаги ва тақдирини белгилашда унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси президенти таъкидлаганидек: “Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз”[1-37]. Ўзбекистонда маънавий ҳаёт соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлашиб боришида жамиятнинг маънавий янгиланишига катта эътибор берилиб, маънавий янгиланиш, маънавий уйғониш, маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш асосида олиб борилмоқда. Янги тараққиёт босқичида бой тарихий маънавий меросни тиклаш, халқимиз дунёқарашини миллий юксалиш руҳида ислоҳ қилиш ва улардан ёшлар манфаатларини таъминлашда фойдаланиш зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маънавий мерос, донишманд олимларимизнинг илмий-фалсафий қарашларига, уларнинг ғояларига бугунги кунда инсоният катта эҳтиёж сезмоқда. “Бугунга келиб ана шу мақсад асосида олиб борилган кўп йиллик амалий ишлар ўзининг нафақат ижобий нишонасини, балки, ўз самарасини

бермоқда. Бу эса ёшларнинг таълим-тарбиясида ўз аксини топмоқда”[2-13]. Инсон эҳтиёжи ва манфаатларининг муҳим омили сифатида маънавий мерос, тарихий хотира муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тушунчалар халқнинг қонида, хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Тарихий-маънавий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш орқали инсон маънавий олами, халқлар маданиятини қадрлаш ва бойитиш зарур. Ёшларда илм-фанга ва таълимга интилишини кучайтириш, ислом қадриятларини тўғри англатиш билан маънавий дунёсини юксалтириш мумкин. Мамлакатимизнинг бой маънавий мероси маънавиятимизнинг негизини, пойдеворини ташкил қилади. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди, у халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Ёшларни эҳтиёж ва манфаатлари уйғунлиги асосида тарбиялашда маънавий мерос ва миллий қадриятларга аксиологик ёндашувнинг тўртта асосий мезони мавжуд бўлиб, улар: инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва тараққийпарварликдир[3-35]. Инсон ҳар бир касб-ҳунарни илм-билим орқали чуқур эгаллаши, касбкорликнинг жамият ривожини, миллат равангига, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсат, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаш, ўз ижодий фаолиятини ушбу бурч ва масъулиятни адо этишга сарфлаш мақсадида мукамаллик ва камолатга интилиш жиҳатларига эътибор қаратиш зарур. Гуманизм – (лот. "Humanitas" – инсонийлик, инсонпарварлик, инсон ҳақида ғамхўрлик) – инсонни ҳимоя қилишга, унинг ҳуқуқларига кафиллик беришни мақсад қилиб олган таълимот бўлиб, инсон тафаккурнинг, яъни инсоннинг дунёда тутган ўрни шаклланиши, инсон фаолиятининг (фанда, санъатда, сиёсатда) имкониятлари ва чегаралари тўғрисидаги муаммолар билан боғлиқ тарзда намоён бўлди. инсон ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатини баҳолаш ва тартибга солиш вазифасини, кишиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради[4-84]. Ёшлар эҳтиёжи ва манфаатлари биринчи навбатда жамият келажигида акс этган, халқимизда юксак инсонпарварлик қадриятларини ифодаловчиси, ўзига хос дунёқараш сифатида, ўзини миллатнинг вакилиман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодаларимиздан олган, бетакрор, бой моддий ва маънавий меросдан, уларнинг

жаҳон цивилизациясига кўшган муносиб ҳиссаларидан, чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардлигида намоён бўлиши зарурдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанмиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, ҳозирги кунда унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинмоқда[5-421]. Ҳозирги глобаллашган, ахборотлашган жамиятда информация, ижодиёт ва жамият интеллектуал салоҳиятининг ўрни беқиёс. Жамият интеллектуал салоҳиятини бойитиш, такомиллаштириш таълим-тарбиядан бошланади. Биз мамлакатимиз келажагини – баркамол авлод билан «бевосита боғлиқ ҳолда кўрамыз. Баркамоллик чуқур маънога эга. Бу масалада ўзгача фикрлар билдирилиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда, биз «баркамоллик» деганда аввало маънавий баркамолликни назарда тутамиз. Маънавий баркамоллик фалсафа тарихида кўп бор муҳокама этилган. Айни вақтда маънавий баркамоллик инсоннинг руҳияти, тафаккурига алоқадорлиги ҳеч бир даврда инкор этилмаган ва маънавий баркамоллик деганда инсоннинг фикрлаш маданияти, тафаккури, ақлу-заковати назарда тутилган. Буюк бобокалонимиз, мутафаккир олим Абу Наср Фаробийнинг куйидаги сўзлари бунинг далилидир. “Баркамолликка эришишнинг энг муҳим воситалари таълим ва тарбиядир. Таълим - назарий химмат эзгуликка ўргатса, тарбия - эзгу ахлоқий сифатларга ўргатади. Олий ахлоқий фазилатлар инсон хатти-ҳаракатида намоён бўлувчи билимдонлик, донолик ва кўпчилик мақсадларни ўз шахсий мақсадларидан юқори қўйиш, ҳақиқатга, муҳаббатга, юксакликка интилиш, адолатни севишдир. Ақлли киши деб шундай кишига айтиладики, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин.... Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарурий нарсаларни кашф этишда зўр истеъдодга эгалар, деб ҳисоблайди[6-182]. Маънавий баркамоллик деганда, биринчи навбатда, инсоннинг тафаккурлаш маданияти ақлу-заковати назарда тутилади. Маънавий баркамоллик ўз ичига ақлий салоҳиятни қамраб олади. Инсонга хос фикр юритиш тарзи ақлу-заковат, интеллект тушунчасида ўз ифодасини топади.

Интеллектуал инсон – маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи, ақлий камолотга етган инсон[7-216]. Шу боис ёшларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш талаб этилади. Интеллект, интеллектуаллик шахс фаолиятида намоён бўлади. Шахс фаолиятининг асосида эҳтиёж ва манфаатлар ётади. Маънавий эҳтиёж шахс маънавий қиёфаси, унинг интеллектуал қобилиятларининг шаклланиши ва тараққиётининг муҳим омилидир. Интеллектуаллик шахс қобилиятларида намоён бўлади. Таълим-тарбия жараёнининг муҳим томони — инсоннинг интеллектуал қобилиятларини такомиллаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим-тарбияни замон талаблари даражасига кўтариш сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. «Ақлий заковат ва рухий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»[8-46]. Маърифатли инсон, баркамол авлод тарбияси буюк келажакимиз кафолатидир. Кўп жиҳатдан ёш авлод таълим-тарбияси мамлакатимизда шахс интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Шунинг учун ҳам баркамол авлодни вояга етказиш, истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Илм - фаннинг жамиятда қадриятга айланиши унинг кишилар хулқ - авори, хатти-ҳаракатларнинг ва ўзаро муносибатларида инсоний фазилатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бу ўринда фан ютуқларидан гуманистик руҳда фойдаланиш ва фан этикаси тамойилларига мос илмий фаолият кўрсатиш ётади. Фаннинг юксак қадрият эканлиги унинг инсонпарварлик, ижтимоий идеалларга хизмат қилиши, умумбашарий моҳияти билан узвий боғлангандир. Шу маънода у халқларни умумманфаатлар асосида бирлаштирувчи маънавий-интеллектуал бойлик ҳисобланади, унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш эса инсониятнинг нафақат интеллектуал ривожланиши, шу билан бирга маънавий камол топишига ҳамда баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда ақлан зукко, креатив қобилиятли, изланувчан ва мустақил мулоҳаза юритувчи ёшлар жамиятни илмий техник тараққиётини ҳаракатга келтирувчи улкан куч бўлиб, келажакда барча соҳаларда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшишлари лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан муаммога ёндашув истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга оқилона кўрсатма бериш ва муайян соҳаларга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, уларнинг ҳар қайсисига хос бўлган индивидуал хусусиятлар, ички куч-қувват, яширин имкониятларни очиш, такомиллаштириш, тараққий эттириш, таъсир ўтказувчи омиллар ва воситалар топиш, яъни уларнинг жамият эҳтиёжи

талаби ҳамда ривожланиш имкониятига мос равишда мақсадга йўналтириш ҳозирги давр талабидир. Бунинг учун қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

Биринчидан, мамлакатимизда ёшлар камолоти, меҳнати учун фаровон, маънавий-маданий муҳитни яратиш;

Иккинчидан, инсон ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга интилиш эса инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ватан ва халқ олдидаги бурчни англаш, уни амалга ошириш;

Учинчидан Буюк аждодларимизнинг фикрлари, ўғитларини ёшларга илк даврдан бошлаб ўргатиш, уларнинг нутқини ўстириш, мутафаккирларнинг тил, сўз, нутқ, ҳақидаги қарашлари, шахс ва жамият тараққиёти йўлидаги хизматлари билан таништириш;

Тўртинчидан, қадриятлар тизимининг ёшлар эҳтиёж ва манфаатлари билан яхлитлигига эътибор қаратишда ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзага чиқаришда имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Ёшлар ўртасида шиддат билан ўсиб бораётган ақлий, интеллектуал салоҳият ва рақобат уларнинг билим даражасини белгилаб беради. Ҳозирги ахборотлашув даврида асримизни рақобат асри деб атасак ҳақиқатдан йироқлашмаган бўламиз. Чунки, барча жабҳада кузатилаётган рақобат ўз гирдобига бирин-кетин ҳаммани тортмоқда. Компьютер технологияларининг бугунги кундаги ҳаётимизнинг барча жабҳаларига дадил кириб бориши, ундаги интернет тизими воситасида жаҳон илм фани янгиликларини кириб келиши истиқболда етук зиёлилар қатламини шаклланишида муҳим турткилардан бири бўлади. Айнан ҳозирги кунда компьютер технологиялари таъсирида фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлиги янада оширилиб, жамиятдаги ижтимоий интеллект ўзига ҳос тарзда ривожлантирилмоқда. Компьютер технологиялари инсоният тафаккур тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Сабаби ўз ақлий ва индивидуал тафаккур имкониятларидан кўра кўпроқ сунъий интеллектга суяниш ва фақатгина у орқали ахборотга эга бўлиш инсонни фикрлаш доирасини муттасил чеклаб боради ҳамда интеллектуал маданиятини сунъий ахборот қобиғига ўраб қўяди. Шунинг учун ёшларда интеллектуал маданиятни оширишда бошқа воситаларга ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Маълумки, фан инсон яратган маънавий қадриятларнинг энг олийси бўлиб, у ўзига ҳос тарзда тараққий этмоқда.

Бундан ташқари илмий-маърифий адабиётлар ҳам шахс интеллектуал салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатади ва бу орқали унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди. Республикамизда ёшларнинг тафаккур тарзи ва билим даражасининг замон билан доимо ҳамнафас ҳолда тараққий топиб бориши, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиши учун фойдали бўлган илмий-маърифий адабиётлар ҳажмини ошириш, уларни кишилар ҳаётига янада чуқурроқ ва кенгроқ кириб боришига зарурий имкониятлар яратиш ҳозирги кунда маориф ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Шу билан бирга бугунги вазиятларни ҳисобга олиб, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан сақлаш, уларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва шу асосда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабатни билдира олиш кўникмасини ривожлантириш учун “комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуи, яъни шарқона ахлоқ кодекси” ни ҳаётга тадбиқ қилиш керак[9-88]. Ушбу манба мустаҳкам эътиқод, меҳр-мухаббат, ор-номус, шарму ҳаё, ибодат ва ифбат каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олиб, “оммавий маданият” унсурлари – ахлоқий бузуқлик ва енгилтаклик каби иллатларни олдини олиш учун ҳизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалаётган, ёшлар онги ва тафаккурига салбий таъсир этаётган ахлоқий бузуқлик ҳолатларини олдини олиш, миллий-маънавий мероснинг асосларидан бири ҳисобланган ҳаётни энг олий ахлоқий фазилат сифатида ардоқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ваҳоланки ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятга ҳам умумбашарий кадриятларига ҳам тўғри келмайди. Шунга мувофиқ, халқимиз ва ёшларимизни гўзал диний ва маънавий кадриятларни ўз ичига олган ор-номус, уят ва андиша, шарму-ҳаё каби тушунчаларни ҳаёт мазмунига айлантириш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Инсон ўз мақсадлари ва қарашларининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, эзгуликка қаратилганлиги муҳимдир. Ўз навбатида ёшлар фаолиятида эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги ҳаёт синовларида ўзини оқлаган кадрият ва анъаналар билан, уларни аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан бевосита боғлиқдир. Ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда ана шу омилларни ҳисобга олиш, ҳар қайси инсон бу ҳаётда тўғри йўл танлаши,

умринг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покляниш, яхшилик ва эзгулик сифатларини амалга оширишга интилиб яшашга эришиш долзарбдир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.37
2. Қамбаров А.А. Замоनावий баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби. Илмий-услубий кўлланма –Фарғона. 2015. –Б. 13
3. Умаров Э. Абдуллаев М. Маънавият асослари. -Тошкент.: 2005. –Б. 35.
4. Фалсафа Энциклопедик луғат. Тошкент 2010 й. 84 бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.421
6. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. // Фаробий ҳикматлари. - Тошкент: Абдулла Қодирий. 1993. б.182
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: 2. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006. Б. 216.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Тошкент, 1995. 46-6.
9. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. Халқаро конференция материаллари тўплами. ”Тошкент ислом университети” Тошкент. 2017. Б - 88.